

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

**«АГРОНОМИЯ» ФАКУЛЬТЕТИ
АГРОНОМИЯ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ**

«Ўсимликшунослик» кафедраси

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

факультет декани _____

Доцент. З. Бўстонов

« _____ » _____ 2012 йил

«Ҳимояга руҳсат этаман»

кафедра мудири _____

қ.х.ф.н. Ж.Тўйчиев

« _____ » _____ 2012 йил

Қўлёзма ҳуқуқида

**«Агрономия» факултети Агрономия таълим йўналиши
4-босқич 1-гуруҳ талабаси
Ашуров Хикматиллонинг**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: «Дастлабки навсинаш кўчатзоридаги ғўза
тизмаларининг қимматли хўжалик
белгиларини ўрганиш»**

Илмий рахбар, қ.х.ф.н., кат.ўқит.:

З.Рахмонов

Андижон – 2012 йил

МУНДАРИЖА

I. КИРИШ	3
II. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ	5
III. ТАДҚИҚОТЛАР БЎЛИМИ	18
3.1. Тажриба ўтказилган хўжаликнинг умумий тавсифи	18
3.2. Тажриба ўтказиш услубияти	19
3.3.Тажриба даласида экин ўстириш технологияси	24
IV. ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ.....	27
4.1. Ривожланиш фазаларининг давомийлиги.....	27
4.2. Ёўза тизмаларининг ўсиши ва ривожланиши	30
4.3. Лаборатория анализ натижалари	33
4.4. Ёўза тизмаларининг пахта ҳосилдорлиги	36
4.5. Ёўза тизмаларининг иқтисодий самарадорлиги	38
V. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	45
VI. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	46

I. КИРИШ

Президентимиз И.А.Каримов айтганидек мамлакатимизда жахон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устивор йўналиши бўлиб қолади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг 2010 йили Қорақалпоғистон Республикаси ва 2011 йили Қашқадарё вилоятида сўзлаган нутқларида таъкидлаб ўтганларидек “ҳар бир вилоятнинг тупроқ-иклим шароитларига мос бўлган ғўза навларини яратиш ва уларни ўзига хос агротехнологияларини ишлаб чиқиш” каби устувор вазифаларни селекционер-олимлар ва мутахассислар олдига қўйдилар.

Шундай экан, пахтадан юқори саноат навли, эртаки, сифатли, мўл ҳосил берадиган, мойдорлиги юқори, курғоқчиликка чидамли навларни яратиш учун тинмай изланиш олиб бориш зарур. Ҳозирги кенг майдонларда экилаётган, районлаштирилган навлар шира, трипс, ўргимчаккана, кўсак курти, илдиз чириши, гоммоз каби касалликлар билан зарарланиб ғўзанинг ўсиши, ривожланиши кечикмоқда. Натижада, ҳосилдорликни пасайишига олиб келмоқда. Агар шундай зараркунандаларга чидамли, чигитининг мойдорлиги юқори навлар яратилиб ишлаб чиқаришга жорий этилса, катта иқтисодий самара беради.

Экинларнинг сеҳосил навларини ишлаб чиқаришга жорий этиш меҳнат унумдорлигини ошириб, саноатни сифатли хом ашё, аҳолини мўл маҳсулот билан таъминлайдиган асосий ва муҳим манба ҳисобланади. Самарадор навларни яратиш ва улардан узоқ муддат фойдаланишга ҳар доим ҳам эришиб бўлмайди. Аммо бундай навларни тадқиқ этиш учун мутахассисларнинг кучи, билими, умри, давлатнинг анчагина маблағи сарф бўлади. Катта машаққатлар билан яратилган навлар кўп ҳолларда кутилгндек

натижа бермаслиги ҳам мумкин. Бунга нав яратишда олинган бошланғич ашёни батафсил ўрганмаслик сабаб бўлади.

Пахта ҳосилини оширишда маълум минтакаларда етиштиришга мослашган, эртапишар, ҳосилдор ва тола сифати жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган навларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, янги яратилган ғўза навларининг тола чиқими юқори, чигити сермой, оксил моддаларга бой, ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига, касаллик ва зараркунандаларга чидамли бўлмоғи керак.

Бу борада институтимизда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Қимматли хўжалик белгилари бўйича Давлат реестрига киритилган ғўза навларидан устун бўлган бир қатор янги тизмалар яратилмоқда. Ушбу тизмаларга ҳолисона баҳо бериш, андоза навга нисбатан афзал бўлганларини ажратиб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Институтимизнинг Ўсимликшунослик кафедрасида бир неча йиллардан буён ғўза селекцияси бўйича илмий изланишлар олиб бориш натижасида бир қанча тизмалар тайёрланган. Кафедрада тайёрланган айрим ғўза тизмаларини қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш мақсадида дала тажрибасини олиб бордик.

II. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

Хударганов К.О. (2012) клейстогам гулга эга бўлган ингичкиа толали ғўзанинг F_2 - F_3 ўсимликларида 8-13 донадан 38-45 донагача кўсак бўлган синфларда, битта ўсимликдаги 81-100% клейстогам гул типига эга бўлган синфдаги ўсимликлар сони, шу синфлардаги ўсимликларнинг умумий сонига нисбатан 40,0-60,0 % ни ташкил этган. Бу эса, битта ўсимликдаги кўсаклар сонининг клейстогам гул сони билан ўзаро боғлиқ эмаслигини исботлайди.

Хударганов К.О. (2012) ингичка толали ғўза навлари устида олиб борган тажрибалари натижасида қимматли хўжалик белгиларнинг юқори кўрсаткичларини ўзида мужассамлаштирган, жумладан 100,0 % клейстогам гул типига ва 40,8-42,1% тола чиқимига эга бўлган К-8, К-12, К-14 оилалари; 97,8-100,0 % клейстогам гул типига, 1000 дона чигит вазни (117,0-121,9 г) ва тола узунлиги (40,2-41,0 мм) бўйича К-2, К-9, К-15, оилалар ажратиб олган.

Хударганов К.О. (2012) катта нав синови кўчатзорида умумий пахта ҳосилдорлиги андоза навга нисбатан 6,6-7,8 % га ва тола ҳосили 30,2-42,2 % га юқори, тола чиқими 39,9-41,0 % бўлган Т-856 тизмани клейстогам гул типига эга бўлган ингичка толали ғўза навларини яратишда бошланғич манба сифатида фойдаланиш учун тавсия этган.

О.Жалилов, С.Одилов, С.Набиев (2006) ларнинг фикрига кўра ҳар бир навнинг потенциал имкониятини тўлиқ намоён бўлишида, унга қўлланиладиган агротадбирлар мажмуи катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун нав яратишда фойдаланиладиган бошланғич ашёлар юқори агротехникада ўстирилиши лозим. Улар навларнинг имкониятларини тўлиқ ишга солишда энг юқори даражадаги агротадбирларни ўз вақтида ва юқори сифатда амалга ошириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб ҳисоблашади.

Н.Хўжамберганов, М.Сукуров, Д.Расулов (2006) лар ғўзанинг янги тизмаларининг қимматли хўжалик белгиларини С-6524 ва Наманган77 навларига таққослаб ўрганишган. Олинган маълумотларига кўра ЛТ-25, Т-102, Т-1243, Т-248-26, Т-162 тизмалари 2002-2005 маълумотлари асосида нав

тозалиги бўйича «ЎзДСТ» талабларига жавоб берганлиги ҳамда хўжалик аҳамитига эга белги кўрсаткичлари андоза навларидан устун бўлганлиги сабабли истиқболли деб топилган ва ташкилотлараро комиссия қарори билан гурунт назоратга топширишга тавсия этилган.

Э.Ҳасанов, Р.Аҳмедов, И.Сиддиқов, Н.Хўжамберганов, Ш.Шарипов (2005) лар ғўзанинг янги тизмаларини унувчанлиги ва ҳосилдорлиги бўйича С-6524 ва Наманган-77 навларига таққослаб ўрганишган. Олинган маълумотларга кўра, янги истиқболли Т-8, Т-147-Б, Т-802, Т-1708 ва Т-248-26 тизмалар лаборатория унувчанлиги бўйича 1-2 синф давлат андозаси талабига тўлиқ жавоб бериши аниқланган. Бу тизмалар андоза навларга нисбатан 11,8 ва 12,8 ц/га гача қўшимча ҳосил тўплаганлиги аниқланган.

О.Матякубов (2007) ғўзанинг сўрувчи зараркунандаларига чидамли бошланғич ашё яратиш борасида олиб борагн изланишлари натижасида *G.tomentosum* Nutt.ex Seem. туридан чатиштиришда фойдаланиб олинган дурагайлар чидамли бўлганлиги аниқланган. Муаллиф, сўрувчи зараркунандаларга бардошлилик бўйича ғўзанинг *G.tomentosum* Nutt.ex Seem. тури иштирокида ажратиб олинган оилалардан селекция ишларида фойдаланишни тавсия этади.

Б.Ўрозов, Э.Тўхтаев (2007) лар ғўзанинг гоммозга чидамли навларини аниқлаш борасида олиб борган изланишлари натижасида Омад ва С-2610 навлари гоммоз билан кам касалланганлигини аниқлашган.

А.Сиддиқов, А.Эгамбердиев, Х.Содиқов (2006) лар вилт билан суний зарарлантирилган майдонда ғўзанинг ўрта толали турига мансуб тизмаларини Наманган-77 навига қимматли хўжалик белгилари бўйича таққослаб ўрганишган. Олинган маълумотларига асосланиб тажрибада ўрганилган барча тизмалар Наманган-77 навига нисбатан вилтга чидамли эканлиги, айниқса Т-611 ва Т-607 тизмалар андозага нисбатан ўта чидамли бўлиб кучли даражада касалланиш кузатилмаган.

Г.Холмуродова, Ш.Номозов, О.Муротов (2006) ғўза ўсимлигидан амалий селекция учун бошланғич ашё тайёрлашда чатиштиришнинг

конвергент усулидан фойдаланишган. Муаллифлар ғўзанинг турли қимматли хўжалик белгиларини яхшилашда, конвергент чатиштириш услуби мавжуд услублардан устунлиги билан ажралиб туришини, тадқиқотларни жадаллаштириш, келгусида районлашган турли ғўза навлари белгиларини талаб даражасида ушлаб туриш имконини яратади, деб таъкидлашади.

Т.Шарипов, Э.Ҳасанова, Р.Ахмедов, Н.Хожамберганов, Ҳ.Қаршибоева, Д.Расулов (2006) лар ғўзанинг янги тизмаларининг унувчанлигини лаборатория ва дала шароитида ўрганиб қуйидаги хулосаларга келишган. Ўрганилган 26 та тизмадан 15 таси Давлат андозасига кўра 1-синфга, 8 та тизма 2-синфга ва 3 та тизма 3-синфга таълуқли эканлиги аниқланган. Кичик нав синовига экилган тизмаларининг унувчанлиги юқори бўлган. Муаллифларнинг этироф этишича навлар устида уруғчилик ишлари тўғри амалга оширилса, далаларда тўлиқ, бир текис ва соғлом қўчатлар ундириб олинади ва пахтадан мўл ҳосил етиштириш мумкин, деб хисоблашади.

Ашурбеков Х, Муқимов Э. (1990) ларнинг олиб борган тажрибаларига кўра тола узунлиги ҳар бир навни хусусияти ва унинг ирсий белгилари авлоддан – авлодга ўтиши ҳамда тажриба вақтида у ерда олиб борилаётган агротехникага ҳам боғлиқлиги катта аҳамиятга эга эканлигини маълум қиладилар. Авлоддан – авлодга ирсий белгиларни ўтиши ёки бўғинларга нисбатан катта бўғинларда ҳамда ундан кейинги бўғинларга текисланиб боришини кўрсатадилар.

Ҳолсилдорликни наслдан – наслга ўтишини юқори ва паст бўлишини бир неча бор илмий ишларида Н.Г.Симонгулян (1974), ҳамда хорижий мамлакатлар олимлари Б.Кристидис, Дж.Гарисон (1959), А.В. Hearn (1966) ва бошқаларни ишларидан маълум.

Тўраев Ж (1990) нинг фикрича зоналлик принципига амал қилган ҳолда навлар чиқариш мақсадга мувофиқ бўлади. Бирон бир минтақада чиқарилган нав шу минтақанинг тупроқ иқлим шароитига мослашган бўлиб бошқа минтақада экилганда қимматли хўжалик белгилари пасайиб

кетиши мумкин. Ёўзанинг агроиклим шароитида чиқарилган С-6030, С-6037, С-6040, С-6042 толаси I-типга мансуб ингичка толали навлари Сурхандарё вилоятининг иссиқ иклими шароитига мослашмаганлиги сабабли ёўзанинг маҳаллий ва серҳосил, тезпишар Термиз 14 ва Термиз 16 навларини ўстириш ҳисобига улар минтақадан сиқиб чиқарилган.

Назаров Р., Шиполянская Н. (1992) ларнинг фикрича пахтачиликни ГОСТ бўйича навли уруғликка ўтказиш мумкинлигини алоҳида таъкидлаш керак. Бу сиз нормал нав янгилаш ҳам, селекция навларини муддатидан олдин айтишдан сақлаш ҳам, сифатли хом ашё ҳам бўлиши мумкин эмас. Буларсиз жумҳурият халқ хўжалигига улкан иқтисодий зарар етиши ва олинган толанинг хорижий бозорларидан рақобатбардошлигига заифлашиши мумкин.

Назаров Р., Шиполянская Н. (1992) бўйича Жўрабеков И.Х. нинг фикрига кўра хўжаликларнинг кўпчилиги навларни жойлаштиришга доир энг оддий қоидаларга амал қилмайдилар ва битта ўрнига иккита ва ундан ортиқ навни экадилар. Бу соҳада тартибни назорат қилиш керак бўлган мутахассис ва ташкилотлар бундай ҳолларга мурасасозлик билан қарамоқдалар. Экилаётган навлар толаси сифатини яхшилаш юзасидан туб чоралар ишлаб чиқилиши зарур, пахтамыз ўз сифати бўйича халқаро стандартлардан орқада қолмаслиги ҳамда дунёдаги етакчи пахтакор мамлакатлар пахтаси билан тенг рақобат қила олиши лозим. Бунинг учун моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқиш даркор.

Назаров Р., Шиполянская Н. (1992) бўйича Эгамбердиев А. нинг фикрича навни бошқа минтақалардан экиш ёки агротехника усуллариини бузиш натижаларни ёмонлаштиришга олиб келади. Чунончи, «108-Ф» ва С-6524» навлари суғоришнинг учта схемасида (1-2-1; 1-3-1; 2-4-1) синалди. Энг яхши натижалар 2-4-1 суғориш схемасида олинди, 1-2-1 схемасида эса калта толалар ҳиссаси анчагина ошганлиги кўзга ташланди. Бутун агротехника мажмуидан фақат биргина бўғиннинг ўзгариши пахта сифатига ана шундай таъсир кўрсатади. Навларни минтақалар бўйича

районлаштириш чоғида уларнинг типларини ҳисобга олиш тавсия қилинади, зеро баъзан бўлаётганидек, турли типларга мансуб навларни аралаштириб юборишга йўл қўймаслик лозим. Ҳозир жумҳуриятда 30, вилоятларда 7-8, ноҳия ва хўжаликларда 3-4 нав экилмоқда. Заводда битта нави қайта ишлаш учун шарт-шароитлар яратилмас, хўжаликларда эса битта нав экилмас экан, ҳозирча нав софлиги муаммоси ҳақида гапириш учун имкон йўқ.

Назаров Р., Шиполянская Н. (1992) бўйича Жалилов О. фикрича навлар кўпайиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди, селекционерлар ва уруғчилик хизмати ходимларининг моддий манфаатдорлигини оширишга эътиборни кучайтириш, уруғчилик хизматининг ташкилий тузилмасини мустахкамлашга ёрдам бериш лозим. Бундан ташқари нав алмаштиришда фақат тола чиқиши юқори бўлган навларни экишга ўтиш зарур.

Назаров Р., Шиполянская Н. (1992) бўйича Ибрагимов Ш. фикрича кейинги ўн йил ичида яратилган ва районлаштирилган; толаси тўртинчи ва бешинчи типга мансуб «175-Ф», «С-6524», С-6530», «Қирғизский 3», «Андижон 9», «Уйчи 2», «Тошкент 6», «Бухоро 6», «С-9070» навлари тезпишарлиги ва тола сифати бўйича улардан олдинги навлардан яхшилигини, лекин вилтга ва шўрхокликка чидамлилиги бўйича улардан орқада. Шу сабабли гоҳида айрим ноҳияларда улардан биринчи саноат навлари олишга мувоффақ бўлинмаяпти. Янги навлар устида ишлаган чоғда буни эътибордан соқит қилмаслик керак.

Назаров Р., Шиполянская Н. (1992) бўйича Шпилевский В.Н. нинг фикрича ғўзанинг янги навларини олдиндан кўпайтиришни ташкил этиш жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Хўжаликлар сони кўпайтирилди, лекин улар ишининг сифати ташвиш уйғотади. Жойларда вилоят бирлашмаларининг раҳбарлари, хўжаликларнинг раҳбари янги ташкил этилган хўжаликларга тегишли эътибор беришлари ва янги навларни кўпайтиришда амалий ёрдам кўрсатишлари керак. Навларни кўпайтириш

учун такдим этган селекционерлар томонидан ҳам бу иш устидан муаллифлик назоратини йўлга қўйиш лозим бўлади.

Назаров Р., Шиполянская Н. (1992) бўйича Ладинина Л. П. янги истиқболли навларнинг йигирув хусусиятларига таъриф беришича «Фарғона 3» селекция нави ўрганилаётган озгина навлардан бири бўлиб, толаси пишиқликда (466-469сН) ва бир маромликда (1200-1300) юқори кўрсаткичларга эга. Физик-механик ҳоссалари мажмуига кўра, у бешинчи тип талабларига жавоб беради (штапель узунлиги 32-33 мм, метрик номери 5450-5650, узилишнинг солиштирма кучи 26-2665 сН/текс). Бироқ янги нав толасида «тола пўст» бир қадар юқори даражада мавжудлиги (0,6% ўрнига 0,8%) ундан тозалик бўйича оширилган талаблар билан ип газлама учун йигирилган ип ишлаб чиқаришда базавий материал сифатида фойдаланишни чегаралайди.

Назаров Р., Шиполянская Н. (1992) бўйича Нурматов Р.Н. нинг таъкидлашича Тошкент вилоятида 1985 йилгача ўнта нав экиларди. Жорий йилда улар миқдори учтача камайди. 1990 йили ҳар гектар экинзорга 75 кг, 1991 йили 68 кг чигит сарфланди. Лекин эътиборни ижобий тенденцияларга эмас, балки долзарб масалаларга қаратиш даркор. Биринчидан, нав ҳақида. Вилоятларда экин майдонининг 70 фоизга қадар қисми «С-6524» навига ажратилган, лекин завод лабораторияларининг аниқлашича, у толанинг биринчи саъноат навини бермайди. Натижада хўжаликлар катта зарар кўрмоқда, лекин бу ҳол ҳеч кимни: на олимларни на мутахассисларни қизиқтирмайпти. Нав тўртинчи тип бўйича биринчи навни бермас экан, уни бешинчи типга ўтказиш лозим, шунда тўртинчи типдаги иккинчи нав билан бешинчи типдаги биринчи нав ўртасидаги тафовут хўжалик фойдасига ҳар бир тоннада 245 сўмни ташкил этади. Лекин бу масала ҳал қилинмаяпти.

Иккинчидан, кўп хўжаликларимиз туксиз чигитни экишга одатланганлар, «С-6524» навини эса чигит пўсти юпқалиги ва майдалиги туфайли туксизлантириш қийин. Экиш нормасини кўпайтиришга тўғри келмоқда, бу эса табиийки, энг яхши илож эмас.

Назаров Р., Шиполянская Н. (1992) бўйича Мақсудов И.Т. нинг фикрича ҳозирги вақтда ўндан ортиқ нав ёки етиштириладиган пахта хом ашёсининг 40 фоизи қийинчилик билан тозаланади, жуда ифлослантириб йиғиб олинади, бу нарса қайтадан тозалашни тақозо этади. Натижада тола бир текис бўлмайди, кўпинча такроран тозалашлар ҳам ёрдам бермайди. Бундай тола ГОСТ талабларига жавоб бермайди ва у паст нархларда сотилади. Бу ҳолда жаҳон бозорига чиқиш тўғрисида қандай сўз бориши мумкин.

Тозалаш чиқимлари йилдан-йилга ошиб бормоқда, пахта толасининг сифати эса яхшиланмаяпти, шу сабабли селекционерлар барг юзаси силлик бўлган, барги тўкилувчан навларга, шунингдек толаси чигитдан пўстсиз ажраладиган навларга катта эътибор бериши керак.

Назаров Р., Шиполянская Н. (1992) бўйича Қўзибоев Ш. нинг фикрига кўра жумҳуриятда 30 нав экилмоқда, уларнинг ўнтаси экин майдонларининг 80 фоизини эгаллаган, қолган 20 нав 2% майдонгагина экилган. Бунинг устига уларнинг кўплари бир қатор йиллар давомида кичик майдонларда экилсада, уларни районлаштиришдан олиб ташлашга муваффақ бўлмаяпти. Масалан, жорий йилда иккита янги нав («Наманган 77» ва «Фарқона 3») районлаштирилди, районлаштиришдан фақат биттаси – «Тошкент 1» олинди. Ингичка толали навларни аҳволи янада ёмонроқ, бунда ҳам икки нав («қарши 8» ва «9872-И») районлаштирилган. «С-6037» навини олиб ташлаш таклиф қилинди, лекин бу таклиф ҳам қўллаб-қувватланмади, демак, кейинги йилда районлаштирилган 30 эмас, балки 33 нав экилади. Ишга бундай муносабатда навларнинг навбатдаги алмашилиши, табиийки, кечикади. Иттифок структурасини тугатилиши муносабати билан қишлоқ хўжалик экинларини синаш бўйича Давлат комиссияси олдида муаммолар тўпланиб қолди. Биринчидан, навларни янгилашга доир бундан буён иш олиб бориладиган, янги навларни рўйхатга олиш реестрлари тузиладиган ва навлар муаллифларига гувоҳнома топшириладиган қонунлар ишлаб чиқилиши лозим. Буларнинг ҳаммаси ҳозиргача Москвада ягона Иттифок доирасида

ўтказилар эди. Муаллифлик гувоҳномалари топширилгач селекционерлар улар бўйича районлаштирилган навлар учун тақдирланар эдилар. Бу масалаларнинг ҳаммасини жумҳуриятда ҳал қилиш зарур. Бунинг учун кадрлар ҳам маблағлар ҳам даркор. Барча манфаатдорларни жалб этган ҳолда навларни янгилаш бўйича миллий дастурни тайёрлашимиз, шунингдек халқаро стандартлар бўйича навларни рўйхатга олиш китобини тузишимиз лозим.

К.Махмадалиев (1997) 1995 йилги тажрибаларга яратилган барча дурагайлар фузариоз вилт билан ташқи белгилари бўйича 22,4-34,6 пояси кесиб кўрилганда 32,6-42,3% вертициллёз вилт билан ташқи белгилари бўйича 27,8-42,6 пояси кесиб кўрилганда 46,6-68,2% зарарланди. 1996 йилги тажрибаларда бу кўрсаткичлар фузариоз вилтдан тегишлича 17,1-28,30 19,4-48,5%, вертициллёз вилтда 21,4-32,3 37,3 37,2-48,5% бўлди. Кўриниб турибдики, олинган дурагайлар вилтни ҳар иккала турига ҳам нисбатан чидамли, демак келажакда улардан янги навлар яратишда фойдаланиш мумкин.

М.Халилов (1997) кузатишларида Қашқадарё вилояти типик бўз тупроқлари шароитида «Бухоро-6» ғўза навидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун ўғит меъёрлари N-200,P-400,K-125 килограммга ортиши ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига ижобий таъсир қилди. Лекин бунда иқтисодий самарадорлик математик жиҳатдан И-200, P-140, K-100 килограммга яқин бўлиб, пахтанинг пишиши биров кечикди ва маҳсулот таннархига сезиларли таъсир кўрсатди.

И.Рахматов, А.Орипов (1997) олиб борган тажрибаларида ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, янги «Термиз-24» ингичка толали ғўза нави суғориш таркибида бедапоядан кейин ғўза ўстирилган далада (узлуксиз ғўза) ўстирилган далага нисбатан ЧДНС 70-70-65% бўлганда тупроқ унумдорлиги яхшиланиб ҳосилдорлик ҳар гектарига 7,5 центнерга ортади ва бунда бир галлик суғориш меъёридаги сув тежаб қолинади.

Назаров Р., Шаропов Э. (2000) ларнинг фикрича бошқа бир экологик шароитда нав яратиб, иккинчи шароитда кенг миқёсда экиб, ўстириш мувоффақиятсизлигининг асосий сабаблардан бири эканлиги фанда исботланган. Шунинг учун янги навлар эртапишар, махсулдор, касалликларга чидамлигина эмас, балки ўзида муҳит ўзгаришига юқори даражада мослашни хусусиятини мужассамлаштирган, шунингдек, нам камчил шароитга, агрошароит яхшиланишига мойил бўлиши ҳам керак. Барча агроэкология шароитларга, тоғ-олди ва пастекисликларда, сизот сувлари яқин ёки чуқур жойлашган, шўрланган ва шўрланмаган ерларда бир хил ўсиб, мўл ҳосил берадиган навлар яратиш қийин. Лекин яхши навлар, одатда шароит муносабатига, яхши мослашувчанлигига қараб кенг майдонларда экилаверади.

Мадрахимов И., Ахмедов Ж., Хасанов Э., Шарипов Э. (2000) ларнинг тажриба натижасига кўра ўрганилган навлар ичида 1000 дона чигит оғирлиги, унувчанлик қуввати ва унувчанлиги бўйича ҳам юқори натижаларга эга бўлган «С-4914», «С-4535», «Омад» ва Оққўрқон 3» навларининг 4 см чуқурликка экилган уруғлари дала шароитида униб чиқиш тезлиги ва униб чиқиш миқдорига кўра ҳам 3 см чуқурликка экилган вариантлардагидан устун. Демак, уруғлик чигит қанчалик йирик ва салмоқдор бўлса унинг сифати шунчалик юқори бўлади.

Тажриба натижалари кўрсатдики, тадқиқот олиб борилган навларнинг уруғларини 3-4 см чуқурликда экиб, дуркун ва текис кўчатга эга бўлиш мумкин.

Назаров Р., Ибрагимов П., Ёкубов М., (2001) ларнинг кузатишича 2001 йилда дунё бозорида рақобатбардош бўладиган ғўза навларининг экин майдони кенгайтирилди. «Омад» нави 2000 йили 5 минг гектарга экилган бўлса, 2001 йили 26 минг гектарга экилди. «Оқдарё 6» нави 30 минг гектардан 97 минг гектарга кўпаядиган бўлди.

Шамсиев А. (2001) нинг тажриба натижаларига кўра Тошкент вилоятининг ер ости сувлари сатҳи чуқур жойлашган оғир қумоқли типик

бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг районлаштирилган янги «Оқдарё 5» навини парваришlashда суғоришни ЧДНС га нисбатан 65-70-60 фоиз ўтказган маъқул. Бунда пахтадан мўл ҳосил етиштиришга ҳамда сувдан самарали фойдаланишга имкон яратилади.

Назаров Р. (2001) нинг кузатишича, бугунги кунда Андижон вилоятида 4-5 та янги нав синаб кўрилмоқда. Қашқадарёда ҳам шундай қилинмоқда. Наманган, Сирдарё, Сирхандарё, Тошкент, Фарқона ва Хоразм вилоятларида эса 4 тадан нав районлаштирилган. Бу вилоятларда 2-3 тадан Янги нав, Жиззах, Навоий ва Самарқанда 3 тадан асосий нав ва 2-3 тадан янги нав экиляпти. Холбуки, дунё бозорида пахтани энг қимматга сотаётган Мисрдаги ҳар бир вилоятда ғўзанинг биттадан нави экилади, холос. Бу тартиб бизда ҳам жорий этилиб, 2002 йилда ҳамма туманларда биттадан, вилоятда эса 2 та асосий ва 2 та янги, 2004 йилдан вилоятда битта асосий ва иккита янги нав экилса ишимиз илгарилаб борар, ғўза навларининг наводорлигини 2008-2010 йилларда талаб даражасигача етказиш мумкин бўлар эди.

Бобоев Я.А., Ким Р.Г., Амантурдиев А.Б. (2002) ларнинг ғўза дурагайларни тезпишарлик бўйича олиб борган илмий изланишларидан қуйидаги хулосаларга келишган. Ғўзанинг тезпишарлик белгиси ўсимлик баландлиги белгиси билан айрим дурагай комбинацияларида кучсиз ва ўртача боғланиш намоён қилди. Қолган белгиларда бу хосат сезиларли даражада намоён бўлмади. Ўз навбатида бу маълумотга таянган ҳолда келажакда ғўзанинг янги тезпишар ва бошқа қимматли белгилари мужассамлашган навларини яратиш имконияти бор эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ҳозирги кунда лабораториямизда ушбу намуналар устида изланишлар давом эттирилмоқда. Бир нечта тезпишар ва хўжаликка қимматли белгилари юқори бўлган тизмалар яратилди. Бу тизмалар келажакда республикамиз пахтачилик соҳасида ўз ижобий аксини топади.

Бобоев Я.А., Ким Р.Г., Амантурдиев А.Б. (2002) ларнинг олиб борган тажриба натижаларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, ғўза

махсулдорлиги кўсак сони ва йириклиги қимматли хўжалик белгиларига боғлиқ бўлмаган холда ирсийланади. Қайсики, бу навбатида пахтачиликда юқори махсулдорликка эга бўлган навларни яратиш мумкинлиги имконияти борлигини англатади. Ёўзанинг махсулдорлиги юқори бўлган навларни яратилиши, ҳозиргаи кунда пахтачиликда юқори ҳосил олиш учун энг асосий йўналиш ҳисобланади.

Мунасов Х., Муратов Ў., Қўчқаров О., Алихўжаев С.С. (2002) ларнинг олиб борган тажриба натижаларига асосланиб, бундай хулосага келиш мумкин: эртапишарлик белгиси ирсий белги бўлиб, у авлоддан – авлодга берилади, шу билан бирга ташқи муҳит ҳамда агротехник чора – тадбирларга бевосита узвий боғлиқ, ҳосилдорлик эса асосан кўпроқ агротехникага ҳамда ўрганилаётган тизмаларнинг ирсиятига боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

С. Саақова, Н.Хўжамберганов, Ш. Намозов (2002) ларнинг кузатишича кўпгина мамлакатлар тажрибасида маълумки, бир гектар майдондан олинadиган умумий тола ҳосили навининг қийматини белгилашда асосий мезон ҳисобланади. Шунинг учун синовда бир гектардан олинadиган толани аниқлашга катта эътибор қаратилди. Тажрибамизда ўрганилган янги тизмаларнинг умумий тола ҳосилдорлиги кўрсаткичлари андози навлар («Наманган -77», 10,4 ц/га ва «С-6524» 11,05 ц/га) га нисбатан анча юқори, яъни «Т-1314» 16,4 Ц/га, «Т-426» 15,1 ц/га, «Т-789» 14,8 ц/га, «Т-4880-у» 14,7 ц/га, «РЛ-60» 14,4 ц/га, «Т-5474» 13,9 ц/га, «Т-99» 13,7 ц/га эканлигини таъкидлади.

А. Қосимов, М. Дадажонов (2002) ларнинг тажриба натижаларига кўра бир туп ўсимлик бўйича биринчи авлод (F_1) «Андижон -33» х «Андижон-34» (72,3) «Андижон -16»х «Андижон-33» (70,5г) «Андижон-60»х «Андижон-16» (65,3 г), «Гулсара» х «Андижон-60» (64,1 г), «Наманган-77»х, «Гулсара» (66,6 г) дурагайлари ҳосил юқори бўлди.

С. Саакова., Н.З.Хожамберганов., Ш.Номозов. (2002) лар «ЎзФСҲИТИ қошидаги янги навларни олдиндан кўпайтириш ва синаш» лабораторияси

янги навларга холисона баҳо бериш мақсадида институтнинг катта нав синаш шахобчасига тавсия қилинган 12 та тизмани 2000 йилни синовдан ўтказди. Натижада ҳар бир гектардан олинадиган ҳосилни белгилашди кўсак вазнининг ҳам ўзига хос аҳамияти бор. Янги тизмаларда кўсак андоза навлардагига («Наманган-77»-5,7 г , «С-6524»-5,9 г) нисбатан 0,3-1,0 граммга оғир эканлиги аниқланди. Айниқса, «Т-218» (6,52 г), «Т-387» ва «Т-4880-у» (6,22 г), «РЛ-60» (6,7 г) тизмаларининг кўсаги сезиларли даражада йирик бўлди.

А.Қосимов, М.Дадажонов (2002) ларнинг олиб борган тажрибаларига кўра чатиштириш учун бошланғич материал сифатида тола чиқиши юқори бўлган Андижон 60, Андижон 16, Андижон 33, Андижон 34, Наманган-77 ва Гулсара навларини диолел усулда чатиштириб олган дурагайларида кўйидагича натижаларга эришган. Бир туп ўсимлик бўйича биринчи авлод (F₁) Андижон 33 х Андижон 34 (72,3), Андижон 16 х Андижон 33 (70,5 г), Андижон 60 х Андижон 16 (65,32), Гулсара х Андижон 60 (64,12), Наманган 77 х Гулсара (66,6г) дурагайларида ҳосил юқори бўлди.

М. Тожиев, Г. Қурбонова, Қ. Тожиев, О. Хўжманов (2003) ларнинг фикрича пахтачилик илмий тадқиқот институтининг Сурхондарё филиали далаларида ғўза навларини жойлаштириш юзасидан қатор тажрибалар олиб борилмоқда. Хусусан, 2000-2002 йилларда тажрибалар жараёнида ғўзанинг Бухоро-6, Оққўрғон-2, Наманган-77, Армуғон каби ўрта толали туманлаштирилган навлари билан бирга, Ат-Термизий, Андижон-33, Оқдарё-6, Сурхондарё-12 (С-2), Денов каби янги истиқболли навлари шунингдек ингичка туманлаштирилган Термиз-31 ва Термиз-40, Термиз-42, Термиз -34 ва Сурхон каби янги истиқболли навларнинг сув, озуқа ва кўчат қалинликлари ўрганилди.

Т. Яминов, О. Абдураимов (2004) 1997-1998 йиллари Андижон вилояти Балиқчи тумани «Чинобод» жамоа хўжалигида «Меҳр» нави катта майдонларга плёнка остига экилиб, пахта етиштирилганда ҳосил гектаридан режадаги 31,5 ўринга 35,1 центнерни ташкил этди.

Қосимов А. (2006) ғўзанинг янги тизимлари устида олиб борган тажрибаларига кўра, айрим хўжалик учун қимматли белгилари билан бир каторда ўзларининг тола турлари ҳамда микронейр кўрсаткичлари бўйича енгил саноат талабларига жавоб берганлиги ва хўжалик белгилари андоза навлардан устун бўлганлиги учун 337, 915, 110 рақамли тизмалар Давлат навлар тозалигини назорат қилиш (Грунт контороль) комиссиясига синаш учун тавсия этган.

О.Махмудов, А.Қосимов, А.Исмонов (2006) лар ғўза тизмалари устида олиб борган тажриба натижаларидан куйидаги хулосаларга келишган. Селекция йўли билан эртапишар нав чиқаришда Л-445 ва Л-44 тизмаларидан қисқа гуллаш фазаси бўйича бошланғич материал сифатида фойдаланиш мумкин. Ўрганилган Л-445 ва Л-44 тизмаларини бошқа хўжалик учун қимматли белгиларини ўрганиб, нав даражасига кўтариш мумкин деб ҳисоблаймиз.

III. ТАДҚИҚОТЛАР БЎЛИМИ

3.1. Тажриба ўтказилган хўжаликнинг умумий тавсифи

Тажриба 2011 йилда Андижон вилоят Андижон туман Ўқув тажриба хўжалиги шароитида олиб борилди. Ушбу хўжалик ҳудуди Андижон вилоятининг Андижон туманида (Андижон вилоятига нисбатан шимолий – шарқ йўналишда) бўлиб, жуғрофик жиҳатдан ўрни: 40°60' шимолий ва 72°25' шарқий кенгликларда ҳамда денгиз сатҳидан 540,2 м. баландликда жойлашган. Об-ҳаво шароити асосан Андижон вилояти учун умумий бўлиб, кундуз кунлари иссиқ ва кечалари салқин бўлади. Ёзда асосан булутсиз кунлар бўлиб, қуёш нурининг тик тушиши натижасида ҳарорат юқори бўлиб, ёғингарчилик кам бўлади. «Андижон» метеостанцияси маълумотларига кўра, кўп йиллик ўртача ёғин миқдори 380 мм.ни ташкил қилган. Баҳордаги тупроқнинг юза қисмининг музлаш ҳарорати асосан март ойига тўғри келади. Кузги тупроқнинг устки қатламининг музлаш ҳарорати эса ноябр ойига тўғри келади.

Тажрибалар ўтказилган йилларда ҳаво ҳарорати ўртача кўп йиллик ҳароратга яқин бўлиб, тажрибаларга ижобий таъсир кўрсатди, натижада ўсимликлар ривожини мўътадил бўлди.

Тажриба ўтказилган ерлар бўз тупроқли бўлиб, ер ости сувлари 2-3 м. чуқурликда жойлашган.

Чигит тез ва бир текис униб чиқиши, ғўза парвариши ҳамда суғорилишининг сифатли бўлишини таъминлашда ерларни экишдан олдин жорий текислаш катта аҳамиятга эга. Сифатли текисланмаган далаларда ниҳоллар бирин-кетин униб чиқиб, улар орасидаги тафовут 6-7 кун ва ундан ҳам кўпроқни ташкил этади. Бунинг натижасида, ғўзаларнинг сувга, ўғитга талабчанлиги ҳар хил бўлиши туфайли кўсаклар бир вақтда пишмайди ва ҳосилни бир вақтда териб олиш имконияти бўлмайди. Шунинг учун, тажриба майдонимизда агротехник тадбирларни юқори савияда ўтказишга ҳаракат

килинди: кузда ер майдонлари ғўзапоядан тозаланиб, 30-35 см. чуқурликда шудгор қилинди. Тупроқда жорий текислаш ўтказилиб чекларга ажратилди. Баҳорда ҳавонинг ва ердаги тупроқ ҳароратининг мўътадил бўлиши билан тупроқдаги намликни сақлаб қолиш ва ўсиб келаётган бегона ўтларни йўқ қилиш мақсадида бороналаш тадбирлари ўтказилди.

Эртапишар, юқори пахта ҳосилини етиштиришда чигит экиш муддатлари ҳам катта аҳамиятга эгадир. Тупроқнинг 10 см чуқурликдаги ўртача суткалик барқарор ҳарорати 12⁰С даража бўлганда, дала шароитида чигитлар 90х12-1 тартибда экилди. Чигит 3-4 см. чуқурликда, ҳар бир уяга 2-3-тадан қилиб экилди. Кўчатлар ернинг табиий намлигида ундириб олинди. Қолган барча агротехник тадбирлар Марказий тажриба хўжалигида қабул қилинган усулда олиб борилди.

Ўғитлардан нотўғри меъёрларда фойдаланиш ва ўсимликларни озуклантириш муддатларини бузиш, ғўзанинг ривожланишида ўзгариш содир бўлишида, жумладан гуллар, тугунчалар ва кўсаклар тўқилишида, пахтанинг кеч пишишида ҳамда тола сифатининг пасайишига сабаб бўлади. Шуларни назарда тутган ҳолда, ўсимликларни ўсув даврида гектарига 150 кг азот (N), 80 кг фосфор (P) ва 75 кг калий (K) минерал ўғитлари берилди. Ҳар бир ўғитлаш жараёнидан сўнг суғорилиб, ер етилиши билан чопикдан ўтказилди. Тажриба майдончасидаги олиб борилган агротехник ишловлар юқори савияда олиб борилди.

3.2. Тажриба ўтказиш услубияти

Дала тажрибаси – бу дехқончиликдаги турли муддатларни илмий асосда ўрганишнинг асоий тадқиқот усулидир. Дала тажрибасининг синалаётган қишлоқ хўжалик экинларини ҳар хил табиий ва хўжалик шароитларида ўстириш усларига илмий-агрономик ва иқтисодий жихатлардан қиёсий баҳо берилади.

Тажрибада ўрганилаётган омилларнинг миқдорига, тажриба муддатининг давомийлигига ва тупроқ иқлим шароитининг хилма-хиллигига боғлиқ ҳолда улар бир омилли, кўп омилли, қисқа муддатли, кўп йиллик ва бошқаларга бўлинади. Ишлаб чиқариш шароитидаги тажрибаларда бирор агротехник тадбирга ёки навга ҳосилдорликнинг ортиши ва ҳосил сифатининг яхшиланиш нуктаи назардан баҳо берилади. Бизнинг тажрибамиз ҳам ана шундай тажрибалар жумласига киради.

Тажриба ўтказилганда ҳатоликка йўл қўймасдан аниқ маълумот олиш учун қўлланмалардан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам биз УзПТИ томонидан чиқарилган тажриба қўйиш услуби ва институтимиз домлалари томонидан чиқарилган услубий қўлланмалардан фойдаландик.

Тажрибада ғўзанинг *G.hirsutum* турига мансуб С-6524 нави ҳамда Л-23/04, Л-32/04, Л-33/04 ва Л-37/04 тизмаларидан фойдаландик.

Тажрибани дала шароитида ўтказдик. Тизмаларни далага УзПТИ томонидан ишлаб чиқилган услубият асосида жойлаштирдик. Тажриба асосан ўртача ўлчамли вариантларда ўтказилди. Тажриба 4 қайтариқ 5 вариантдан иборат бўлиб далада битта ярусда системали жойлаштирилди. Хар бир вариант 2 қатордан иборат бўлиб узунлиги 11 метр. Хар бир вариантнинг ўлчами 19,8 м² ни ташкил қилди. Бир қайтариқ майдони 99,0 м², умумий тажриба майдони эса 396,0 м² ни ташкил қилди.

Тажриба майдонига чигит 90x20-1 схема бўйича экилиб, яганадан кейин хар бир уяда биттадан соғлом кўчат қолдирилди. Бир гектар мадонда ўртача 55 минг туп кўчат қолдирилди. Ғўзанинг вегетация даврида қуйидаги фенологик кузатув ва ҳисобот ишлари олиб борилди.

1. Ўсимликларни 50% униб чиқиши, гуллаш ва пишиш фазаларини давомийлиги аниқланди.
2. Шоналаш, гуллаш ва пишиш фазаларида ўсимликларни бўйи ўлчанди.
3. Гуллар сони аниқланди.
4. Пишган ва хом кўсаклар сони аниқланди.

Тажрибани далага жойланиш схемаси

Л-37/04	IV-ҚАЙТАРИҚ
Л-33/04	
Л-32/04	
Л-23/04	
St C-6524	
Л-37/04	III-ҚАЙТАРИҚ
Л-33/04	
Л-32/04	
Л-23/04	
St C-6524	
Л-37/04	II-ҚАЙТАРИҚ
Л-33/04	
Л-32/04	
Л-23/04	
St C-6524	
Л-37/04	I-ҚАЙТАРИҚ
Л-33/04	
Л-32/04	
Л-23/04	
St C-6524	

5. Терим олдидан қайтариқлар бўйича ҳар бир вариантдан 50 тадан кўсак пахта лаборатория анализи учун териб олинди.
6. Теримлар бўйича ҳосил миқдори аниқланди.

Пахта ҳосилдорлигининг қайтариқлар бўйича олинган кўрсаткичлар Б.А.Доспехов (1985) томонидан ишлаб чиқилган дисперсион таҳлилдан ўтказилди.

Ўсимликларни униб чиқиши, гуллаш ва пишиш фазалари делянкалардаги уя ва ўсимликларни кузатиш билан аниқланади. Бошқа фенологик кузатиш ва ҳисоблар доимий белгиланган ўсимликларда ўтказилди. Ҳар делянкада 10 тадан ўсимлик доимий белгилаб қўйилди.

Униб чиққан ўсимликларни ҳисобга олиш делянкада бир кўчат пайдо бўлган кундан бошлаб, кунаро ҳисобга олиб борилди. Униб чиққан кўчатларнинг сони делянкалардаги умумий уялар сонини 50% ни ташкил этгунча давом эттирилди. Шоналашни ҳисобга олиш анча қийин бўлганлиги учун ҳар бир делянкада 10 туп ўсимликка биттадан шона пайдо бўлган кундан кунаро ўтказилди. Шу 10 туп ўсимликни 5 тупида шона пайдо бўлгандан кейин кузатиш тўхтатилди. Гуллаш ва кўсакларни очилишини ҳисобга олиш делянкадаги барча ўсимликларда кунаро ўтказилди. Делянкадаги ўсимликларда гул ёки очилган кўсак пайдо бўла бошлаган кундан токи 50% ўсимлик гуллагунча ёки кўсакларнинг очилгунча кузатиш давом эттирилди.

Ўсимлик бўйини аниқлаш учун ҳар бир делянкада доимий ажратилган 10 туп ўсимликдан фойдаланилди. Ҳар бир ўсимликни бўйини ўлчаш учун 2 метр узунликда метр таёқ тайёрланди ва ўсимликни илдиз бўғзидан ўсув нуқтасигача бўлган қисми ўлчанди.

Гуллар, пишган ва хом кўсаклар сонини аниқлаш учун ҳам доимий ажратилган ўсимликлардан фойдаланилди. Юқорида айтилган кўрсаткичларнинг сони ажратилган ўсимликларда санаб чиқилди ва бир туп ўсимликда ўртачаси аниқланди.

Териб олинган 50 дона кўсак пахта намунасида лабораторияда 1 та кўсак пахтасининг вазни, тола узунлиги, тола чиқиши ва 1000 дона чигит вазни аниқланди.

Қайтариқлар бўйича ҳар бир вариантнинг пахта ҳосили алоҳида қилиниб териб олинди ва қуйидаги формула билан гектарга айлантирилди.

$$K = \frac{12a}{M}$$

Бу ерда : 1 га – 1 га майдон юзаси, м²

M – 1 та вариант майдон юзаси, м²

Натижани ҳар бир вариантдан чиққан пахта ҳосилига кўпайтириб ҳосилдорли аниқланади

С-6524 навини тавсифи

Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий текшириш институтида яратилган.

Муаллифлар: Автономов А.А., Автономов В.А., Рыстаков В.С., Йулдошев Т.Й., Цыба А.Т. Хирзутум турига мансуб.

1988 йилдан Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 115-120 см, ихчам, ётиб қолмайди. Барги урточа катталиқда, тук-яшил рангда. Гули ўрточа катталиқда, оч-сарик рангда бўлиб, доғсиз. Кўсаги тухумсимон, яхши очилади, ҳосили тукилмайди. 1000 дона чигитнинг оғирлиги 121 г..

Пахтанинг ўрточа ҳосилдорлиги гектарига 34,0 (Охунбобоев НСШ)-37,1 ц. (Пскент НСШ)..

2000 йил Пскент нав синаш шохобчасида юқори агротехника шароитида умумий ҳосилдорлик гектарига 45,8., 30 сентябрдаги теримда, ҳосилдорлик гектарига 38,1 ц.

Вегетация даври 127 (Охунбобоев НСШ) - 131 кун (Богдод НСШ).

Битта кўсакдаги пахтанинг оғирлиги 4,8-5,5 г. Тола чиқиши 34,3-36,2 %. Вилт билан касалланиш даражаси 9,7 % (Богдод НСШ)-52,9% (Охунбобоев НСШ) гача.

"Сифат" маркази маълумотида кўра тола сифати кўрсаткичлари: микронеёр 4,3-4,7, тола узунлиги (УН) 1,10-1,14 дюйм, тола узунлиги (код) 35-37, нисбий узилиш кучи 29,1-32,5 гс/текс.

3.3.Тажриба даласида экин ўстириш технологияси

Пахтачиликда юкори ва сифатли хосил олиш учун тупроқни экишга тайёрлаш ҳам катта ахамиятга эга. Тупроқ ўз вақтида шудгор қилинса, хайдов чуқурлигини бир хиллигига эришилса пахта зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтлар камаяди. Тупроқнинг нам тутиш қоблияти яхшиланади.

Хўжалигимиз қабул қилган агротехника қоидаларига асосан хар йили кузда 35-40 см чуқурликда сифатли қилиб шудгорлаш ўтказилади. Биз тажриба қўйган йили ҳам бу тадбир тўла амлга оширилди.

Шудгорлаш олдида йиллик фосфорнинг 70%, калийнинг 50% солинди.

Бахорда чигит экишдан олдин ерлар текисланди. Борана ва мола қилинди, сўнгра тракторда қатор оралари 90 см дан қилиб эгат очилди. Шудай қилиб тайёрланган дала 11 метрдан қилиб делянкаларга бўлинди.

Ягана 2 марта ўтказилди. 1-марта 2-4 чинбарг чиқарганда, 2-марта ягана шоналаш даврида ўтказилди. Ягана ўтказиш кўчатларни сийракланишига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари илдиз чириш, касалланиш ёки илдиз қурти каби зарарли омиллар ҳам сабаб бўлади. Шунинг учун яганалаш даврида касалланган, зарарланган ёки ўсишдан орқада қолган ўсимликлар олиб ташланди. Соғлом ўсимликлар схемага мувофиқ уяларда қолдирилди.

Вўзаларнинг илдиз системаси яхши ривожланиши, хаво алмашилини таъминлаш ва бегона ўтларни йўқотиш ҳамда тупрокни юза қатламини юмшатиш яъни қатқалоқдан бўшатиш учун икки марта чопик ўтказилди.

Тажриба участкасида суғориш 2-3-1 схемада ўтказилди. Яъни гуллашгача 2 марта, хосил (гуллаш, мавалаш) даврида 3 марта ва пишиш даврида 1 марта суғорилди.

3.3.1-жадвал

Агротеник тадбирлар

№	Бажарилган ишлар номи	Муддатлари						
		1	2	3	4	5	6	7
1	Шудгор олдидан ўғитлаш	20.XI						
2	Шудгор	23.XI						
3	Текислаш	1.XII						
4	Пушта олиш	10.XII						
5	Бараналаш	5.IV						
6	Чигит экиш	10.IV						
7	Ягана	25.IV	20.V					
8	Культивация	15.V	30.V	30.VI	10.VII	30.VII	10.VIII	5.IX
9	Суғориш	25.V	25.VI	5.VII	25.VII	5.VIII	30.VIII	
10	Озиқлантириш	10.IV	22.VI	2.VII	22.VII			
11	Чеканка	5.VIII	15.VIII	25.VIII				
12	Зараркунанда ва касалликларга қарши кураш	15.VII	25.VIII					
13	Терим	2.IX	15.XI	1.X	10.X			

Тажриба участкасида йил давомида 7 марта культивация ўтказилди. Биринчи культивация шоналаш даврида қолганлари эса суғоришдан сўнг ер

етилган даврда ўтказилди. Ғўза ўсимлиги ўсиб ривожланган яъни шоналаш ва мевалаш даврларида культиваторни ишчи органларининг олди ва рамаси канор материали билан ўраб қўйилди, ўсимликни шикастламаслик учун.

Қатор ораларини ишлашдан мақсад: тупроқни юмшатиш, унинг озик, сув, ҳаво ва температура режимини яхшилаш ҳамда ерда нам тўплаш ва шу йўл билан ўсимликнинг нормал ўсиб ривожланиши учун қулай шароит яратишдир. Ғўза қатор ораларини ишлаш кенглиги ва чқурлигини тўғри белгилаш жуда муҳимдир. Ғўза тупларига шикаст етказмаган ҳолда қатор оралари кенгроқ ишланса бегона ўтлар кўпроқ нобуд бўлади. Тажриба участкамизда биринчи, иккинчи культивация ишчи органлар ғўзадан 7,5-8 см қочириб ўрнатилди. Гуллаш мевалаш даврида химоя зонасини 10-12 см қилиб ўтказилди.

Ғўзалар 4 марта биринчи – экиш билан бирга, иккинчи – шоналаш даврида, учинчи ва тўртинчи гуллаш ва мевалаш даврларида тажриба хўжалигида қабул қилинган нормада азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар билан ўғитланди. Экиш даврида азот ва фосфорнинг йиллик меъёрини 15-20% берилди. Шоналаш даврида азотни 30%, калийни 25% берилди. Гуллаш даврида эса азотни 30%, калийни 25% ва фосфорни 15% берилди. Азотнинг қолган 20% мевалаш даврида берилди. Ўғитларни тўғри меъёр ва муддатларда бериш ўсимликнинг яхши ўсиб ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Ғўза учун ўргамчаккана, шира, тамаки триписи ва кемирувчилар – кузги тунлам, ғўза тунлами, карадрина, чигирткалар жиддий хавф туғдирадиган зараркунандалардир. Тажриба участкамизда зараркунандаларга қарши 2 марта кураш чоралари ўтказилди. Биринчиси ғўза гуллаш даврида шира ва ўргамчакканага қарши олтингургут ОВХ-14 мосламаси ёрдамида ғўзага пуркалди. Иккинчи марта августни охирида биринчи қарши кураш чораси такрорланди.

Пахта терими 4 марта ўтказилди ҳар бир вариантнинг пахтаси алоҳида тортиб олинди.

IV. ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ

Бутун ўсув даври давомида ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишини кузатиб бориш тадқиқот натижаларини тўғри баҳолашда катта аҳамиятга эга.

Ривожланиш фазаларини ҳисобга олиш ҳар бир экинни ўзига хос биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. Ҳисобга олинаётган ўсимликлар сони қанчалик кўп бўлса, у ёки бу ривожланиш фазасини, бинобарин бошқа бир жараёнини характерловчи маълумотлар шунчалик аниқ чиқади.

Кузатиш ва ҳисоб-китобларни мураккаблигига, шунингдек уларни ўтказиш учун кетадиган вақтга боғлиқ ҳолда кузатишнинг турли хиллари учун ҳисобга олинадиган ўсимликлар сони турлича бўлади.

4.1. Ривожланиш фазаларининг давомийлиги

Ѓўза асосан бир йиллик ўсимлик бўлиб, ўсув даврида 5 та (униб чиқиш, чинбарг чиқариш, шоналаш, гуллаш ва пишиш) ривожланиш фазасини ўтайди. Бу фазаларнинг давомийлиги эртапишарликка тўғридан-тўғри таъсир қилади. Ѓўзанинг аксарият шаклларида гуллашгача давомийлиги эрта кечса, пишишгача кеч бўлади, ёки аксинча (гуллаш кеч пишиш эрта). Айрим ҳолларда иккала муддат ҳам эрта кечади. Масалан Балгария навларида (Белый Извир). Мамлакатимизда етиштирилаётган айрим эртапишар навларда иккала муддат ҳам эрта пишади. Мисол қилиб С-6524, С-2609 ва бошқа навларни олишимиз мумкин. Биз ҳам шундан келиб чиқиб, тажрибамизда ўрганилган ғўза тизмаларини эртапишарлик белгисига баҳо бериш учун униб чиқиш, гуллаш ва пишиш фазаларини давомийлигини С-6524 навиға таққослаб ўргандик.

Тажриба даласига чигитлар 2012 йил апрел ойида экилди. Экилган кундан 5 кун ўтгач ҳар бир вариантдаги уялар сони санаб чиқилди ва униб чиққан уялар сони аниқланди. Бу иш чигитлар тўлиқ униб чиққунча, кунаро

кузатишлар олиб борилди. Адабиётлардан маълумки, чигитларнинг униб чиқиш даражаси уларнинг пишиб етилганлик даражасига боғлиқ. Айрим ҳолларда нав хусусиятларига боғлиқ бўлади. Биз ҳам ғўза тизмаларини униб чиқиш даражасини дала шароитида ўрганиб чиқдик. Униб чиқиш давомийлигини кўриб чиқиш натижасида назорат навига нисбатан қуйидаги тизмаларни фарқини кўриб чиқдик. Чигитлар ер бетига тўла униб чиқиши учун андоза нав С-6524 ва Л-23/04 тизма 9,0 кун, қолган тизмалар эса 8,0 кун вақт сарфлади. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, андоза навга нисбатан Л-23/04 тизмасидан ташқари барча тизмалар 1 кун эрта униб чиққанлигини гувоҳи бўлдик.

Кейинги навбатда ривожланиш фазаларини давомийлигини аниқлашда гуллаш давомийлигини назорат навга нисбатан фарқларини аниқлашга эришдик. Бунда назорат С-6524 нави униб чиқишдан гуллашгача 61 кун вақт сарфлади. Л-23/04 ва Л-37/04 тизмалар 63 кун, Л-32/04 66 кун ва Л-33/04 тизма эса 67 кунда гуллай бошлаганлиги аниқланди. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики тажрибадаги барча тизмалар андоза навга нисбатан гулларини очилиши кечикканлиги маълум бўлди. Бунда андозага нисбатан тизмалардаги фарқларни кўриб чиқадиган бўлсак, С-6524 навига нисбатан Л-23/04 2 кун, Л-32/04 5 кун Л-33/04 6 кун ва Л-37/04 тизма эса 2 кун кеч гуллашга кирди. Ўрганилаётган тизмаларни назорат навига нисбатан гуллаш даврини чўзилиб кетишини асосий сабаби, бу ойгача генератив қисмига нисбатан вегетатив қисмига кўпроқ куч сарифлаган дейиш мумкин. Чунки, ўрганилган тизмалар назорат навига нисбатан анча баққувват бўлиб яъни вегетатив қисмлари (илдиз, поя, шох ва барг) йирик. Бу кўрсаткичлар бирмунча юқори бўлгани билан ғўзани кейинги фазага ўтишига салбий таъсир кўрсатмади. Яъни пишиш фазасини давомийлигини ўрганганимизда тизмалардан олинган маълумотлар назорат навига яқин кўрсаткичларни намоён қилиши билан исботлашимиз мумкин.

Вўза тизмаларининг ривожланиш фазаларини давомийлиги

№	Тизмалар	Униб чиқиш давомийлиги		Гуллаш давомийлиги		Пишиш давомийлиги	
		кун	st фарқи	кун	st фарқи	кун	st фарқи
1	С-6524	9,0		61		114,0	
2	Л-23/04	9,0	0,0	63	2,0	111,4	-2,6
3	Л-32/04	8,0	-1,0	66	5,0	115,4	1,4
4	Л-33/04	8,0	-1,0	67	6,0	113,2	-0,8
5	Л-37/04	8,0	-1,0	63	2,0	109,1	-4,9

Тажрибадаги вариантларни 50% уиниб чиқишдан 50% пишишгача бўлган давр давомийлигини ўрганганимизда назорат С-6524 нави 114 кунда, тизмалар эса Л-23/04 111,4 кунда, Л-32/04 115,4 кунад Л-33/04 113,2 кунда ва Л-37/04 109,1 кунда кўсаклари очила бошлаганлиги аниқланди. Ўрганилган 4 та тизмадан фақат биттаси (Л-32/04) андоза навадан 1,4 кунга кеч пишган бўлса, қолган тизмалар 0,8 кундан 4,9 кунгача эрта пишганлиги аниқланди. Бундан кўриниб турибдики тизмаларни гуллаш давомийлиги анча чўзилган бўлса пишиш давомийлиги тезлашди.

Вўзаларнинг эртапишарлик белгиси бўйича шуни айтишимиз мумкинки, ўрганилган тизмаларда гуллашгача давомийлиги анча чўзилиб кетди, аммо пишиш фазасини тез ўтаганлиги умумий вегетация даврини қисқаришига олиб келди. Натижада тизмалар назорат навадан эрта пишиб етилди.

4.2. Вўза тизмаларининг ўсиши ва ривожланиши

Ҳар бир ғўза тизмаларининг ўсиши ва ривожланишини аниқлашда асосан, асосий поя баландлиги, 1 туп ўсимликдаги кўсаклар сони ва вильт билан зарарланиш даражасини назорат навига нисбатан кўриб чиқдик. Асосий поя баландлиги ҳар бир ғўза тизмаларида қуйидагича; 2-июнда олинган маълумотга кўра, назорат С-6524 нави 33,7 см , Л-23/04 тизма 32,2 см, Л-32/04 тизма 31,1 см, Л-33/04 тизма 32,0 ва Л-37/04 тизма эса 30,5 см. га тенг бўлган кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланди. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики тажрибадаги тизмалар андоза навадан пояси секин ўсганлиги кузатилди. Навбатдаги кузатув 2-июлда ўтказилди. Бунда назорат С-6524 нави 63,8 см, Л-23/04 тизма 51,5см, Л-32/04 тизма 48,6 см, Л-33/04 тизма 59,2 см ва Л-37/04 тизма эса 57,0 см кўрсаткичга эга бўлди. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики бу ойда ҳам тизмалар жада секин ўсганлигини гувоҳи бўлдик. Июнь ойидан июл ойигача ғўзаларнинг поясини ўсиш тезлиги ўрганилганда, энг секин ўсган тизма Л-

32/04 да кузатилган бўлса, июн ойида ушбу белги бўйича энг паст кўрсаткичга эга бўлган Л-37/04 тизма июл ойигача поясини ўсиши тезлашганлиги маълум бўлди. Бир ой давомида асосий поя С-6524 навида 29,9 см., Л-23/04 тизмада 18,3 см., Л-32/04 тизмада 17,5 см., Л-33/04 тизмада 27,2 см. ва Л-37/04 тизмада эса 26,5 см. ўсганлиги кузатилди. Поя баландлигини навбатдаги кузатувимиз 2-августда ўтказилди. Ҳар бир тизмалардаги ғўзаларнинг поя баландлигини ўлчашдан олинган маълумотлар қуйидагича кечди. Асосий поя баландлиги С-6524 навида 95,5 см, Л-23/04 тизмада 99,5 см, Л-32/04 тизмада 97,6 см, Л-33/04 тизмада 91,7 см ва Л-37/04 тизмада эса 101,7 см.га тенг бўлди. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики Л-33/04 тизмадан ташқари барча тизмалар назорат навга нисбатан пояси баланд бўлганлиги аниқланди. Ўрганилган ғўза тизмаларининг пояси июл ойигача секин ўсиб июл ойидан кейин тезлишиши аниқланди.

Хосилдорликнинг асосий тузилиш элементларидан бири бир туп ўсимликдаги кўсаклар сони бўлиб, бу кўрсаткич ортган сари хосилдорлик ҳам пропорционал тарзда ортиб боради. Шундан келиб чиқиб ғўзанинг ўсув даврида кўсаклар сонини аниқладик. Кузатувни 4-сентябрда олиб бордик ва бунда очилган ва ҳам кўсакларни санаб чиқдик. Ўртача бир туп ўсимликдаги очилган кўсаклар сонини аниқлаганимизда энг юқори натижа Л-37/04 тизмасида кузатилиб 5,4 дона/ўсимлик кўрсаткич билан назорат навга нисбатан 1,7 дона кўп кўсак тўплаган. Қолган тизмаларда ҳам андоза навга нисбатан очилган кўсаклар сони кўп бўлганлиги кузатилди. Бу эса андоза нага нисбатан тизмалардан эрта, сифатли, мўл пахта ҳам ашёсини тайёрлаш имконини беради. Ҳом кўсаклар сони бўйича ҳам ўрганилган барча тизмалар назорат навидан устун эканлигини намоён қилишди. Натижада ўртача бир туп ўсимликда жами кўсаклар сони андоза навга нисбатан тизмаларда кўп тўпланганлиги аниқланди. Олинган маълумотлардан

Вўза тизмаларининг ўсиши ва ривожланиши

№	Тизмалар	Асосий поя баландлиги, см			Бир туп ўсимликдаги кўсаклар сони, дона			Вилт билан зарарланиши, %
		2-июн	2-июл	2-август	4-сентябр			
					очилган	хом	жами	
1	С-6524	33,7	63,8	95,5	3,7	7,9	11,6	11,5
2	Л-23/04	33,2	51,5	99,5	5,3	9,2	14,5	11
3	Л-32/04	31,1	48,6	97,6	4,0	9,2	13,2	13
4	Л-33/04	32	59,2	91,7	3,6	12,7	16,3	7,5
5	Л-37/04	30,5	57	101,7	5,4	11,2	17,6	10,7

кўриниб турибдики назорат С-6524 нави 11,6 та, Л-23/04 тизма 14,5 та, Л-32/04 тизма 13,2 та, Л-33/04 тизма 16,3 та ва Л-37/04 тизма эса 17,6 дона/ўсимлик ҳосил қилди. Ушбу белги бўйича барча тизмалар назорат навидан устун бўлиб чиқди. Айниқса Л-37/04 тизма энг юқори натижага эришиб назорат навига нисбатан 5,8 дона/ўсимлик кўп кўсак тўплади. Бу ҳолат тизмаларда ҳосил элементларини тўплаш ва сақлаб қолиш назорат навига нисбатан устун эканлигини билдиради.

Вўза тизмаларининг вилт касаллиги билан зарарланиш даражасини ҳам кўриб чиқдик. Бу касаллик ғўзани ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва шундан келиб чиқиб касалликни ҳар бир тизмаларда зарарланиш даражасини назорат навига нисбатан ўрганиб, қуйидаги кўрсаткичларни аниқладик. Назорат С-6524 нави вилт билан 11,5 %, Л-23/04 тизма 11,0%, Л-32/04 тизма 13,0%, Л-33/04 тизма 7,5% ва Л-37/04 тизма эса 10,7%. Юқоридаги кўрсаткичлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, Л-33/04 тизма 7,5% кўрсаткич билан назорат навига нисбатан 4,0% кам вилт билан зарарланди. Умуман олганда ўрганилган барча тизмалар ва назорат нави вилт билан кучли зарарланмади.

4.3. Лаборатория анализ натижалари

Назорат навига нисбатан ҳар бир тизмаларни сифатини анализ қилганимизда асосан 1та кўсак вазни, тола чиқими ва 1000 дона чигит вазнига катта эътибор бердик. 1та кўсак вазнини аниқлашда ҳар бир вариант бўйича 50 тадан кўсакдаги чигитли пахта териб олинди, уларни ўртачасини аниқлаб олдик ва қуйидаги кўрсаткичларга эришдик. Битта кўсакдан чиққан чигитли пахта вазни назорат С-6524 навида 5,2 г , Л-23/04 тизмада 5,9 г, Л-32/04 тизмада 5,7 г, Л-33/04 тизмада 6,2 г ва Л-37/04 тизмада эса 6,9 г бўлганлиги аниқланди. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики энг юқори натижа (6,9 г) Л-37/04 тизмасида кузатилди. Қолган тизмалар ҳам белги бўйича назорат навидан устунлигини намоён қилишди. Ушбу белги

бўйича назорат навига нисбатан Л-23/04 тизма 0,7 г, Л-32/04 тизма 0,5 г, Л-33/04 тизма 1,2 г ва Л-37/04 тизма эса 1,7 г натижа билан кўпроқ вазнга эга бўлди.

Кейинги навбатда тола чиқимини анализ қилганимизда ҳар бир тизмалар бўйича олинган намуна пахталар вазни аниқлангандан сўнг лаборатория жини ёрдамида чигитидан толаси ажратиб олинди ва толани вазни аниқланиб, намунанинг бошланғич вазнига нисбатан фоизи аниқланди. Таҳлил натижаларига кўра назорат С-6524 нави 32,4%, Л-23/04 тизма 38,9%, Л-32/04 тизма 39,0%, Л-33/04 тизма 36,6% ва Л-37/04 тизма эса 37,1% га тенг бўлган натижани берди. Маълумотлардан кўриниб турибдики барча тизмалар тола чиқими бўйича назорат навидан устун эканлиги кузатилди. Айниқса энг юқори натижа Л-32/04 тизмасида кузатилиб назоратга нисбатан 6,6% юқори тола чиқимига эга бўлди.

1000 дона чигит вазнини аниқлашда асосан ҳар бир тизма бўйича 100 тадан чигитни санаб тарозида тортиб олдик ва чиққан натижани 10 га кўпайтириб 1000 дона чигитни вазнини аниқлаб олдик. Тизмалар бўйича чиққан натижа қуйидагича; С-6524 нави 107 г, Л-23/04 тизма 118 г, Л-32/04 тизма 132 г, Л-33/04 тизма 127 г ва Л-37/04 тизма эса 122 г кўринишга эга бўлди. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики назорат навининг кўрсаткичига нисбатан тизмаларнинг кўрсаткичи юқори бўлганлиги аниқланди. Бизга адабиётлардан маълумки чигит вазни билан тола чиқими орасидаги боғланиш тесқари бўлади. Яъни тола чиқимини ортиши билан чигит вазни пасайиб боради ёки аксинча. Аммо бизнинг тажрибимизда иштирок этган тизмаларда бу ҳолат аксинча бўлганлиги, яъни белгилар орасидаги салбий боғланиш узилганлиги кузатилди. Тизмаларда тола чиқими юқори бўлиши билан бир вақтда 1000 дона чигит вазни ҳам юқори бўлганлиги кузатилди.

Вўза тизмаларининг лаборатория тахлил натижалари

№	Тизмалар	1 та кўсакдаги пахта вазни, г	Тола чиқими, %	1000 дона чигит вазни, г	Тола дюйм узунлиги	Тола микронейри
1	С-6524	5,2	32,4	107	1.10	4,3
2	Л-23/04	5,9	38,9	118	1.09	4,1
3	Л-32/04	5,7	39,0	132	1.11	4,6
4	Л-33/04	6,2	36,6	127	1.13	4,2
5	Л-37/04	6,9	37,1	122	1.12	4,4

Ҳар бир тизма бўйича толадан намуна олиб сифат марказига борганимизда HVI қурилмаси ёрдамида анализ қилиб қуйидаги кўрсаткичларни берди. Толанинг микронеёр кўрсаткичи бўйича олинган маълумотлар қуйидагича бўлди назорат С-6524 навида 4,3; Л-23/04 тизмада 4,1; Л-32/04 тизмада 4,6; Л-33/04 тизмада 4,2 ва Л-37/04 тизмада эса 4,4. Бизга маълумки 4,0-4,8 кўрсаткичгача эга бўлган толалар Давлат андозасига тўлиқ жавоб беради, кўрсаткичнинг бундан ортиши намуналарни ишлаб чиқаришдан чиқариб юбоиришга олиб келади. Шундан келиб чиқиб ғўза нави яратиш учун тайёрланган бошланғич ашёларнинг толасини микронеёр кўрсаткичига жиддий эътибор қаратиш лозим. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики ўрганилган тизмаларимизнинг тола сифати микронеёр кўрсаткичи бўйича Давлат андозаси талабига тўла жавоб беради.

Толанинг яна бир сифат кўрсаткичи толанинг дюйм узунлиги замонавий HVI қурилмасида аниқланди. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики тизмаларнинг ушбу кўрсаткичи ҳам назорат навига яқин бўлиб ижобий натижага эришди. Олинган натижалар қуйидаги тартибда юзага келди, назорат С-6524 нави 1,10; Л-23/04 тизма 1,09; Л-32/04 тизма 1,11; Л-33/04 тизма 1,13 ва Л-37/04 тизма эса 1,12.

4.4. Ғўза тизмаларининг пахта ҳосилдорлиги

Ҳосилдорликни аниқлашда ўрганилаётган тизмаларнинг очилган кўсакларини қайтариқлар бўйича териб пахта вазнини аниқлаб олдик. Қолган теримлар ҳам шу тартибда ўтказилиб олинган маълумотлар жамланди ва ц/га га айлантирилди. Ҳосил бўлган чигитли пахтани қайтариқлар бўйича ўртачасини олиб ҳосилдорликни тизмалар бўйича аниқлаб олдик ва қуйидаги кўрсаткичларга эришдик: Назорат С-6524 нави 33,1 ц/га, Л-23/04 тизма 36,3 ц/га, Л-32/04 тизма 34,8 ц/га, Л-33/04 тизма 36,4 ц/га ва Л-37/04 тизма эса 37,4 ц/га. Ўрганилган тизмаларимиз назорат навига нисбатан юқори кўрсаткичларни намоён қилди. Энг юқори кўрсаткич (37,4 ц/га) Л-37/04

Вўза тизмаларининг пахта хосилдорлиги, ц/га

№	Вариантлар	Қайтариқлар				Ўртача	St дан фарқи
		I	II	III	IV		
1	C-6524	32,1	34,1	33,1	33,1	33,1	
2	Л-23/04	36,4	36,2	37,2	35,4	36,3	+3,2
3	Л-32/04	35,9	33,7	34,7	34,9	34,8	+1,7
4	Л-33/04	35,5	37,3	36,2	36,6	36,4	+3,3
5	Л-37/04	37,2	37,6	36,7	38,1	37,4	+4,3

тизмасида кузатилиб, назорат навига нисбатан 4,3 ц/га қўшимча ҳосил тўплади. Бунинг асосий сабаби ўртача бир туп ўсимликдаги кўсаклар сонининг ва битта кўсакдан чиққан пахтанинг вазнини юқорилигидан деб тушунтириш мумкин. Қолган тизмаларимизда ҳам ҳосилдорликнинг ушбу тузилиш элементлари юқорилиги ҳисобига ҳосилдорлик назоратга нисбатан ортганлиги кузатилди.

4.5. Ёўза тизмаларининг иқтисодий самарадорлиги

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини юритишда энг асосий эътибор бериладиган нарса, бу иқтисодий самарадорликдир. Чунки халқ хўжалигини барча тармоқларини, шу жумладан қишлоқ хўжалигини, пахтачилик, дончилик ва чорвачилик тармоқларини ривожлантириш, уларни сердаромад сохага айлантириш аввало кам харажат қилиш ҳисобига кўп маҳсулот етиштириш билан боғлиқ.

Агар кўп харажат қилиб кам фойда олинса, унда хўжалик юритиш қийинлашади, ходимларнинг ўз меҳнати натижаларидан манфаътдорлиги пасайиб кетади. Шунини ҳисобга олган ҳолда айниқса ҳозирги хўжалик ҳисоби ва ўз – ўзини маблағ билан таъминлаш, хўжаликлар фаолиятига кириб келган бир шароитда олимларимиз, хўжалигимиз мутахассислари, раҳбарлари хўжалик иқтисодиётини кўрсатувчи янги – янги манбаларини топиш устида бош қотирмоқдалар. Биз ҳам бу ишга ўз хиссамизни қўшиш мақсадида ёўзанинг истиқболли тизмаларини танлаш бўйича дала тажрибасини олиб бордик.

Тажрибанинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун «Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқаруви» кафедрасининг кўрсатмалари асосида 6 та асосий кўрсаткичдан фойдаландик. Иқтисодий самарадорликни топиш учун назорат вариант билан яхши тажриба вариантининг иқтисодий кўрсаткичларини ўзаро таққосладик.

Бунда биз бир йиллик тажриба натижаларининг ўртача кўрсаткичидан фойдаландик.

Иқтисодий самарадорлик барча ғўза тизмаларидан олинган ҳосилдорлик кўрсаткичини назорат С-6524 навидан олинган кўрсаткичга таққослаш йўли билан аниқланди.

Тажрибада 5 та вариант бўлиб 4 таси ғўза тизмалари 1 таси эса назорат С-6524 навидир. Тажрибадаги тизмаларни ҳосилдорлик кўрсаткичларидан фойдаланиб назорат вариантыга нисбатан қўшимча ҳосили аниқланди. Тажрибадаги вариантларга қўшимча агротехник тадбирлар қўлланилмади.

Барча вариантлар бир хил агротехникада етиштирилди. Харажатлар фақат ҳосилни йиғиштириш учун сарфланди.

Тажрибадаги ғўза тизмаларининг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги тартибда ишлаб чиқилди:

I. Тажрибадаги назорат нав ва ғўза тизмаларининг ҳосилдорлиги

1. С-6524	33,1 ц/га
2. 23/04	36,3 ц/га
3. 32/04	34,8 ц/га
4. 33/04	36,4 ц/га
5. 37/04	37,4 ц/га

II. Назорат навга нисбатан ғўза тизмаларидан олинган қўшимча ҳосил.

2. 23/04	3.2 ц/га
3. 32/04	1.7 ц/га
4. 33/04	3.3 ц/га
5. 37/04	4.3 ц/га

III. Қўшимча ҳосилдан даромад. 1 кг пахтани харид нархи – 423,40 сўм.

2. 23/04	$320 \times 423,40 = 135488$ сум
3. 32/04	$170 \times 423,40 = 71978$ сум
4. 33/04	$330 \times 423,40 = 139722$ сум

5. 37/04 $430 \times 423,40 = 182062$ сум

IV. Ишлаб чиқариш харажатлари

А) Қўшимча ҳосилни териш 1 кг 100 сўм

2. 23/04 $320 \times 100 = 32000$ сум

3. 32/04 $170 \times 100 = 17000$ сум

4. 33/04 $330 \times 100 = 33000$ сум

5. 37/04 $430 \times 100 = 43000$ сум

Б) Қўшимча ҳосилни шийпонга ташиш. 1 ц 127 сўм

2. 23/04 $3,2 \times 127 = 406,4$ сум

3. 32/04 $1,7 \times 127 = 215,9$ сум

4. 33/04 $3,3 \times 127 = 419,1$ сум

5. 37/04 $4,3 \times 127 = 546,1$ сум

В) Қўшимча ҳосилни қуритиш учун 1 ц 365 сўм

2. 23/04 $3,2 \times 365 = 1168$ сум

3. 32/04 $1,7 \times 365 = 620,5$ сум

4. 33/04 $3,3 \times 365 = 1204,5$ сум

5. 37/04 $4,3 \times 365 = 1569,5$ сум

Г) Қўшимча ҳосилни юклаш учун (қўлда) 1 ц 270 сўм

2. 23/04 $3,2 \times 270 = 864$ сум

3. 32/04 $1,7 \times 270 = 459$ сум

4. 33/04 $3,3 \times 270 = 891$ сум

5. 37/04 $4,3 \times 270 = 1161$ сум

Д) Қўшимча ҳосилни пахта қабул қилиш пунктига ташиш учун 1 ц 372 сўм.

2.23/04 $3,2 \times 372 = 1190,4$ сум

3.32/04 $1,7 \times 372 = 632,4$ сум

4.33/04 $3,3 \times 372 = 1227,6$ сум

5.37/04 $4,3 \times 372 = 1599,6$ сум

Е) Юқоридаги ишларни бажариш учун кетган ёнилғи сарфи 1 л 493 сўм

$$2. 23/04 \quad 3,2 \times 493 = 1577,6 \text{ сум}$$

$$3. 32/04 \quad 1,7 \times 493 = 838,1 \text{ сум}$$

$$4. 33/04 \quad 3,3 \times 493 = 1626,9 \text{ сум}$$

$$5. 37/04 \quad 4,3 \times 493 = 2119,9 \text{ сум}$$

Ж) Йил давомида ҳамма вариантлар учун бир хилда 58214,7 сўм гектарига қўшимча харажат қилинди.

З) Жами ишлаб чиқариш харажатлари

$$2. 23/04 \quad 32000 + 406,4 + 1168 + 864 + 1190,4 + 1577,6 + 58214,7 \\ = 95421,1$$

$$3. 32/04 \quad 17000 + 215,9 + 620,5 + 459 + 632,4 + 838,1 + 58214,7 \\ = 77980,6$$

$$4. 33/04 \quad 33000 + 419,1 + 1204,5 + 891 + 1227,6 + 1626,9 + 58214,7 \\ = 96583,8$$

$$5. 37/04 \quad 25800 + 546,1 + 1569,5 + 1161 + 1599,6 + 2119,9 + 58214,7 \\ = 108210,8$$

V. Фойда (сўм)

$$2. 23/04 \quad 135488 - 95421,1 = 40066,9$$

$$3. 32/04 \quad 71978 - 77980,6 = -6002,6$$

$$4. 33/04 \quad 139722 - 96583,8 = 43138,2$$

$$5. 37/04 \quad 182062 - 108210,8 = 73851,2$$

VI. Бир сўмлик харажат хисобидан олинган фойда (сўм)

$$2. 23/04 \quad 40066,9 : 95421,1 = 0,42$$

$$3. 32/04 \quad -6002,6 : 77980,6 = -0,08$$

$$4. 33/04 \quad 43138,2 : 96583,8 = 0,45$$

$$5. 37/04 \quad 73851,2 : 108210,8 = 0,68$$

ТАЖРИБАНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	С-6524	Тизма 23/04	Тизма 32/04	Тизма 33/04	Тизма 37/04
1	Тажрибани ҳосилдорлиги	ц/га	33,1	36,3	34,8	36,4	37,4
2	Қўшимча ҳосилдорлик	ц/га		3,2	1,7	3,3	4,3
3	Қўшимча ҳосилдан даромад	сўм		135488	71978	139722	182062
4	Жами ишлаб чиқариш харажатлари	сўм		95421,1	77980,6	96583,8	108210,8
5	Фойда	сўм		40066,9	-6002,6	43138,2	73851,2
6	1 сўмлик харажат ҳисобига олинган фойда	сўм		0,42	-0,08	0,45	0,68

Тажрибада олинган ҳосилдорликдан фойдаланиб назорат вариантига нисбатан ўрганилаётган тизмаларнинг қўшимча ҳосили ҳисоблаб топилди. Шунини таъкидлаб ўтишимиз жоизки қўшимча ҳосил тизмаларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда олинди. Ўрганилган барча тизмаларнинг ҳосилдорлиги юқори бўлиб назорат навга нисбатан қўшимча ҳосил тўплади. Бу эса тизмаларнинг иқтисодий самарадорлиги назорат навига нисбатан юқори бўлишига олиб келади. Тизмалардан олинган қўшимча ҳосилни давлатга сотганимизда энг юқори даромад қўшимча ҳосили юқори бўлган 37/04 тизмасида 182062 сўм ва 33/04 тизмасида эса 139722 сўмни ташкил қилди. Тизмалардан олинган қўшимча ҳосилга сарфланган харажатларни ҳисоблаганимизда тизмалар орасида фарқлар бўлганлиги кузатилди. Энг кўп харажатлар юқори даромадга эга бўлган 37/04 ва 33/04 тизмаларида кузатилди. 37/04 тизмамиз 108210,8 сўмни ташкил қилган бўлса, 33/04 тизма эса 96583,8 сўмни ташкил қилди. Бундан кўриниб турибдики қанчалик кўп ҳосил олинса, унга сарфланган харажатлар ҳам шунчалик кўп бўлиши кузатилди. Олинган фойдани ҳисоблаганимизда биологик хусусияти юқори бўлган тизмаларимизда фарқ борлиги кузатилди. 37/04 тизмамиз 73851,2 сўмни ташкил қилган бўлса, 33/04 тизмамиз эса 43138,2 сўмни ташкил қилди.

V. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Биз ўқув ва илмий ишлаб чиқариш хўжалиги шароитида ғўза тизмалари устида олиб борган тажрибамиздан қуйидаги хулоса ва таклифларга келдик.

1. Ривожланиш фазаларининг давомийлиги бўйича ўрганилган тизмаларда ўсув давр давомийлиги андозага нисбатан анча чўзилиб кетганлиги аниқланди. Тажрибадаги 37/04 тизма гуллашгача давр давомийлиги андоза нав билан бир хил муддатни ўтаб, пишишгача эса қисқарганлиги кузатилди.

2. Тизмаларда ҳосил элентларини тўплаш ва сақлаб қолиш имконияти назорат навга нисбатан устун эканлиги аниқланди. Яъни, назорат навга нисбатан тизмалар ўртача бир туп ўсимликда 1,6 донадан 6,0 донагача кўп кўсак тўплаганлиги кузатилди.

3. Ўрганилган тизмаларда тола чиқими, 1000 дона чигит вазни белгилари назорат навадан устун бўлганлиги ва тола сифати бўйича эса назорат нав билан деярли бир хил кўрсаткичларга эга эканлиги аниқланди.

4. Ўрганилган барча тизмалар ҳосилдорлик бўйича назорат навадан юқори кўрсаткични намоён қилди. Бунинг асосий сабаби, тизмаларда назорат навга нисбатан кўсаклар сони ва вазнининг юқори бўлганлигидан деб тушунтириш мумкин.

Тажрибада ўрганилган тизмалар назорат навидан асосий хўжалик белгилари бўйича устунлигини намоён қилди. Ушбу тизмаларда селекция ишини давом эттириб нав даражасига кўтаришни ва янги навлар чиқаришда амалий селекция учун бошланғич ашё сифатида фойдаланишни тавсия этамиз.

VI. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. И.А.Каримов Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. «Ўзбекистон» нашриёти. Тошкент, 2009 й., 30-35 бетлар.
2. Ашурбеков Х, Муқимов Э. Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалар тўплами. Тошкент, 1990.
3. Бобоев Я.А., Ким Р.Г., Амантурдиев А.Б. Ғўза махсулдорлигининг бошқа қимматли хўжалик белгилари билан ўзаро боғланиши. Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалари тўплами. Тошкент, 2002, 62-63.
4. Жалилов О., Одилов С., Набиев С. Самарадор ва “Тегемон” навлар. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №11, 2006, 15 б.
5. Қосимов А. Янги нав ва ҳосилдорлик. Қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишдаги агротехнологик муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари. (Республика илмий амалий анжуманининг мақолалар тўплами), «Андижон наширёт – матбаа» очик аксиядорлик жамияти, 2006, 12-15.
6. Қосимов А., Дадажонов М. Ғўзанинг F_1 дурагайларида ҳосилдорлик ва тола чиқиши гетерозиси. - Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2002, №3, 51.
7. Кристидис Б.Б., Дж.Гарисон. Проблемы возделывания хлопчатника. М.ИЛ.1959.
8. Мадрахимов И., Ахмедов Ж., Хасанов Э., Шарипов Э. Уруғлик сифати.-Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2000, №1, 34.
9. Матякубов О. Ғўзанинг зараркунандаларга бардошлилиги. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №5, 2007, 14 б.
10. Махмадалиев К. Вилтга чидамли навларни излаб. -Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 1997, №4, 37.

11. Махмудов О., Қосимов А., Исмонов А. Эртапишар ғўза тизмаларини аниқлаш. Қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли хосил олишдаги агротехнологик муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари. (Республика илмий амалий анжуманининг мақолалар тўплами), «Андижон наширёт – матбаа» очик аксиядорлик жамияти, 2006, 49-51.

12. Мунасов Х., Муратов Ў., Қўчқаров О., Алихўжаев С.С. Шўрланган тупрокда ўстирилган айрим тизмаларнинг эртапишарлиги ва хосилдорлиги. Ғўза генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва бедачилик масалалари тўплами. Тошкент, 2002, 97-103.

13. Назаров Р. Ғўза уруғчилиги ва селекцияси жахон андозасига мосми. -Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2001, №5, 32-33.

14. Назаров Р., Шарапов Э. Пахта-99: натижалар ва сабоқлар.- Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2000, №1, 27-28.

15. Назаров Р., Шполянская Н. Навларни янгидан алмаштириш бўсағасида.-Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 1992, №2, 9-16.

16. Назаров Р., Ибрагимов П., Ёқубов М. Ғўза навлари минтақалар бўйича тўғри жойлаштирилаяптими. -Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2001, №4, 34.

17. Рахматов И., Орипов А. Қарши чўли шароитида ингичка толали ғўзанинг Термиз 24 навини суғориш. -Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 1997, №4, 40.

18. Саақова С., Н.Хўжамбергандов, Ш. Намозов. Янги ғўза навлари - мўл ва сифатли хосил гарови. - Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2002, №3, 50.

19. Сиддиқов А., Эгамбердиев А., Содиқов Х. *G.hirsutum* L. турига мансуб ғўза тизмалари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №7, 2006, 14 б.

20. Симонгулян Н.Г. Наследуемость признаков хлопчатника в широком и узком смысле. Труды СХИ, вып. 54, 1974.

21. Тожиев М., Қурбонова Г., Тожиев Қ., Хўжманов О. Янги ғўза навларини жойлаштириш. - Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2003, №7, 13.

22. Тўраев Ж. -Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 1990, №9.

23. Ўрозов Б., Тўхтаев Э. Гоммоз касаллигига чидамли намуналар. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №5, 2007, 14 б.
24. Халилов М. Бухоро 6 ғўза навининг ўғит меъёрлари. -Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 1997, №4, 38.
25. Ҳасанов Э., Аҳмедов Р., Сиддиқов И., Хўжамберганов Н., Шарипов Ш. Янги истикболли тизмалар. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №3, 2005, 11 б.
26. Холмуродова Г., Номозов Ш., Муротов О. Конвергент услуб. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №7, 2006, 14-15 б.
27. Хударганов К.О. *G. barbadense* L. ғўза дурагайларида клейстогам гул ва қимматли хўжалик белгиларини ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги. Автореферат. 2012 й.
28. Хўжамберганов Н., Сукуров М., Расулов Д. Ўрта толали ғўза. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №8, 2006, 12-13 б.
29. Шамсиев А. «Оқдарё 5» нави. -Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2001, №4, 36.
30. Шарипов Т., Ҳасанова Э., Аҳмедов Р., Хожамберганов Н., Қаршибоева Ҳ., Расулов Д. Нав, ҳосил, тола. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №7, 2006, 15 б.
31. Яминов Т., Абдураимов О. «Меҳр» навини агротехникаси. - Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2004, №2, 10. 5.
32. Hearn A.B. Cotton breeding in Aieyan, 1958 to 1965 Empirebott cyrovг Rew. 1966. № 43. 196-206.